

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиши ва барқарорлигини таъминлаш йўналишлари

Жавоҳирбек Икромжон ўғли Юлдашев
Ўзбекистон Республикаси банк молия академияси

Аннотация: Ушбу Мақолада Ўзбекистон давлат бюджети ва молиявий ресурсларини бошқариш, уларнинг назорат тизимини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. 2022-2023 йиллар статистик маълумотлари асосида давлат бюджети даромад ва харажатлари динамикаси, давлат мақсадли жамғармалари ҳажмидаги ўзгаришлар ҳамда ташқи қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган дастурлар кўлами ўрганилган. Шунингдек, давлат бюджети харажатларини режалаштиришда натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг истиқболлари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: маҳаллий бюджетлар, даромад барқарорлиги, фискал сиёсат, давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, солиқ базаси, фискал барқарорлик, молиявий стратегия, иқтисодий ислохотлар

Directions for the formation and sustainability of local budget revenues

Javohirbek Ikromjon ugli Yuldashev
Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Abstract: This article analyzes the issues of managing the state budget and financial resources of Uzbekistan, improving their control system. Based on statistical data for 2022-2023, the dynamics of state budget revenues and expenditures, changes in the volume of state trust funds, and the scope of programs financed by external debt funds were studied. Also, the prospects for result-oriented budgeting in planning state budget expenditures were discussed.

Keywords: local budgets, revenue stability, fiscal policy, state budget, state trust funds, tax base, fiscal stability, financial strategy, economic reforms

Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини ошириш ва уларни самарали бошқариш бугунги кунда мамлакатимиз молия-иқтисодий сиёсатининг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки маҳаллий бюджетлар давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этади ва уларнинг даромадларини кўпайтириш нафақат мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига,

балки ҳудудларнинг барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашга ҳам бевосита ҳисса қўшади.

Сўнгги йилларда республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан ортиқча тушумларини инфраструктурани ривожлантиришга йўналтириш давлат молия сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, ушбу тушумларнинг камида ярмини инфратузилма лойиҳаларига сарфлаш Молия вазирлиги ва маҳаллий ҳокимият органларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Бу эса давлат бюджетининг мавқеини янада мустаҳкамлаш, бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз молия-бюджет тизимида амалга оширилаётган ислохотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудий иқтисодиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш шароитида маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш зарурияти янада ортиб бормоқда. Хусусан, солиқли даромадлар базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, солиқли ва солиқсиз тушумларни ундириш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек давлат ва маҳаллий бюджетлар ўртасида солиқли даромадларнинг тақсимотига оид муносабатларни қайта кўриб чиқиш бугунги куннинг устувор масалаларидан биридир.

Маълумки, солиқли тушумлар бюджет даромадларининг асосий қисмини ташкил этади. Шу боис, маҳаллий бюджетларга тўлиқ қолдириладиган солиқлар ҳамда умумдавлат солиқларидан ажратмалар ҳудудий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминловчи энг асосий манба ҳисобланади. Демак, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш мамлакатимизда фискал барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни модернизатсиялаш ва ҳудудий ривожланиш жараёнларини жадаллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маҳаллий ҳокимият органларини ўзларига юкланган вазифаларни бажариш учун молиявий ресурслар билан таъминлаш солиқларни тақсимлаш ва бюджетлараро ўтказмаларни амалга ошириш жараёнида содир бўлади. Турли даражадаги маҳаллий бошқарув органларининг бюджет ва солиқ манфаатларини, шунингдек, молиявий ресурсларни (даромадларни) минтақавий даромадларни тенглаштиришга йўналтиришнинг иқтисодий асосларини ҳисобга олиш керак. Аксарият ҳолларда солиқ тушумларининг давлат бюджети даромадларини, шу жумладан маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрни тўғрисидаги масала уларнинг салмоғи даражаси билан изоҳланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда маҳаллий бюджетлардан ҳудудларга кўплаб манбалар, жумладан, жамғарма ва дастурлар ҳисобидан маблағлар юборилмоқда. Мақсад ва йўналишлари маҳаллий бюджет харажатларига яқин

бўлганлар ҳам бор. Бу маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегиясини, яъни маҳаллий бюджетлар харажатлари бўйича ҳудудларга юбориладиган барча давлат маблағларини умумлаштириш ва уларнинг мақсадларини солиштириш, шунингдек, маҳаллий бюджетни уларга мослаштириш йўли билан ресурсларни сарфлашнинг энг мақбул усуллари ва йўналишларини акс эттирувчи ҳужжатни ишлаб чиқиш зарурлигини асослайди.

1-жадвал

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари тўғрисида маълумот¹, (трлн сўмда)

Кўрсаткичлар	Йиллар		
	2021	2022	2023
И. Жами бюджет даромадлари, жумладан:	131,4	153,8	201,5
Давлат бюджети даромадлари	112,2	128,5	164,7
Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари	19,2	25,4	36,8
ИИ. Жами бюджет харажатлари, жумладан:	145,5	157,3	215,9
Давлат бюджети харажатлари	118,0	121,9	188,6
Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	27,5	35,4	27,3

Ушбу жадвалда 2021-2023 йиллар давомида бюджет даромадлари ва харажатларининг динамикаси акс эттирилган. Унга асосланиб, қуйидаги таҳлилни келтириш мумкин:

Кўриниб турибдики, бюджет даромадлари йил сайин ўсиб бормоқда. 2022 йилда ўсиш 17,1% бўлган бўлса, 2023 йилда бу ўсиш 31,0% гача етган.

- Давлат бюджети даромадлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ҳам ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда.

- Давлат бюджети даромадлари 2023 йилда 2021 йилга нисбатан 46,8% ошган.

- Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари эса 2021 йилга нисбатан 91,7% ошган. Бу мақсадли жамғармаларнинг аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатади.

2-жадвал

Маҳаллий бюджетлар даромадлари миқдори тўғрисида маълумот²
(ўтказиб бериладиган даромадларсиз, млрд. сўмда)

Худудлар номи	Йиллар		
	2021	2022	2023
Қорақалпоғистон Республикаси	716,7	2833,3	1869,2
Андижон	928,3	2187,4	2418,5

¹ Жадвал Мқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида тўлдирилган

² Молия вазирлиги маълумотлари.

Бухоро	1098,6	2142,3	2374,1
Жиззах	396,2	1050,8	1460,4
Қашқадарё	1587,8	2935,7	2722,1
Навоий	655,6	1353,6	1948,9
Наманган	753,7	2016,5	2297,0
Самарқанд	1082,4	2714,8	3154,7
Сурхондарё	720,0	1741,6	1993,2
Сирдарё	377,2	751,1	881,6
Тошкент в.	1632,3	2582,9	3734,1
Фарғона	1681,1	3005,6	3665,1
Хоразм	683,9	1402,2	1743,1
Тошкент ш.	2151,0	3556,1	4911,4
Жами	14464,8	30273,9	35173,4

4-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш орқали маҳаллий бюджет даромадлари миқдори мунтазам равишда ўсиб бормоқда. Бу ҳолат айниқса 2021 йилдан кескин тус олган бўлиб, 2021-2023 йилларда ҳам кескин ўсиш давом этмоқда. Бизнингча бунга қуйидагилар сабаб бўлган:

- ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши;
- маҳаллий бюджетлар бўйича тегишли ҳокимликлар ваколатларининг кенгайтирилиши ҳамда даромадларнинг орттириб бажарилган қисмини ҳудуд ихтиёрида ҳақиқатдан қолдирилиши бўйича янги тартибларнинг ўрнатилиши;
- умумий давлат бюджети даромадларининг ўсиб бораётганлиги;
- бюджетлар даромадларининг янги манбаларини излаб топиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси даражасида ишлар бошланганлиги;
- солиқ ислохотларининг самараси ёки солиқ тизимидаги ўзгаришлар. Бунга қўшилган қиймат солиғини кенг тадбиқ этилиши ҳамда жисмоний шахслар даромад солиғи ставкасининг пасайиши ҳисобига солиқ базасининг ортишини мисол сифатида келтиришимиз мумкин;
- олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида айрим товар(иш,хизмат)лар нархларини давлат томонидан белгилаш тартибининг бекор қилиниши;
- давлат бюджети харажатларининг ортиши. Бюджет харажатлари ҳудудларда ялпи талабни шакллантириши орқали иқтисодиёт субъектлари фаолиятини жонланиши ҳамда бу орқали улар томонидан солиқлар шаклида бюджет даромадларининг ортишига сабаб бўлади;

– ҳудудларда йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши;

Шу ўринда маҳаллий бюджетлар даромадлари миқдоридаги ўзгаришлар ўтган йилларга нисбатан қайдай ўзгарганлигини аниқлаш орқали ҳудудлар бўйича бу ҳолат қандай ривожланаётганлигини кўриб чиқиш мумкин. Бизнингча буни аниқлаш орқали мамлакатимизда маҳаллий бюджетлар даромадлар қисмини шакллантиришда ҳар бир ҳудудга ёндошувни кўришимиз мумкин бўлади. Яъни маҳаллий бюджетлар даромадлари қисмини режалаштириш ва уни

ижро этишдаги ўсиш хар бир маҳаллий бюджет бўйича алоҳида хусусиятларга эгами ёки шунчаки барча ҳудудлар умумий бюджет даромадлари миқдорининг ўсиши сабабли бир хилда ошириб боришмоқдами? деган саволга жавоб топиш мумкин бўлади. Бу эса маҳаллий бюджетлар молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш учун энг асосий иқтисодий дастак бўлади.

Ўзбекистон молия-бюджет тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш ва уларнинг барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим натижалар бермоқда. 2021-2023 йиллар давомида давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг ўсиши, шунингдек маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми мунтазам ошиб бораётгани бунга яққол тасдиқлайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маҳаллий бюджет даромадлари ўсишига ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортиши, ҳокимликларнинг молиявий ваколатлари кенгайтирилиши, солиқларни тақсимлаш тартибининг такомиллашуви, солиқлар базасининг кенгайиши ва иқтисодий ислохотларнинг самаралари асосий сабаб бўлмоқда. Хусусан, қўшилган қиймат солиғининг кенг тадбиқи, жисмоний шахслар даромад солиғи ставкасининг пасайтирилиши, нархларни давлат томонидан белгилаш тартибининг бекор қилиниши ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши маҳаллий бюджетлар даромадларини сезиларли даражада ошириб келмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш учун солиқли ва солиқсиз даромадларни ундириш механизмларини такомиллаштириш, давлат ва маҳаллий бюджетлар ўртасида солиқли тушумларни тақсимлаш муносабатларини янада адолатли ташкил этиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳудудлар бўйича даромадларнинг шаклланишидаги ўзига хосликларни чуқур ўрганиш эса келгусида маҳаллий бюджетларнинг самарали молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда асосий иқтисодий таянч бўлиб хизмат қилади.

Натижада, маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарор ошириш мамлакатимизда фискал барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳудудий иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг узлуксизлигини таъминлашда ҳал қилувчи омил сифатида майдонга чиқмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли Қонуни. www.lex.uz/

2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сонли

Қонуни. www.lex.uz/

3. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 24 декабрдаги “2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-1011-сонли Қонуни. www.lex.uz/

4. «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони. www.lex.uz/

5. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. - Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2009. - 556 с.

6. Хайдаров Н.Х. Давлат молиясини бошқариш. - Т.: «Академия», 2005. - 128 б.

7. I.T.Jumaniyazov, & I.A.Mingboyev (2023). Gender budgeting and prospects for its implementation in Uzbekistan. *Science and Education*, 4 (5), 1518-1523.

8. Turayevich, J. I., & Akmal o'g'li, S. M. (2023). INVESTITSION LOYIHALARNI MOLIALASHTIRISHDA TIKLANISH VA TARAQQIYOT JAMG'ARMASINING O'RNI. *PEDAGOGS jurnali*, 35(4), 147-157.

9. Jia, X., Cui, Y., Patro, R., Venkatachalam, S., Kanday, R. & Turayevich, J. (2023). Application of fractional-order nonlinear equations in coordinated control of multi-agent systems. *Nonlinear Engineering*, 12(1), 20220335. <https://doi.org/10.1515/nleng-2022-0335>

10. Abdullaev Aybek Nazarbaevich, Jumaniyazov Inomjon To'raevich, Sabirov Mirza Qilichbayevich, & Gulomov Ibrom Rustam ugli. (2024). Development Of China's Sovereign Wealth Funds. *Wire Insights: Journal of Innovation Insights*, 2(1), 1-8.

11. Sovereign wealth funds of the Republic of Uzbekistan in the post-pandemic period. (2023). *Pedagogical Cluster-Journal of Pedagogical Developments*, 1(2), 355-372. <https://euroasianjournals.org/index.php/pc/article/view/73>

12. Mirza Qilichbayevich Sabirov, Ibrom Rustam ugli Gulomov, Inomjon To'raevich Jumaniyazov, & Aybek Nazarbaevich Abdullaev. (2023). Relevance and Application of Compulsory Health Insurance in Republic of Uzbekistan. *Journal of Intellectual Property and Human Rights*, 2(11), 71-76. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/jiphr/article/view/1477>

13. Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Shavkat Bayramovich Babaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, & Inomjon To'raevich Jumaniyazov. (2024). TAX RELATIONS IN BUSINESS ENTITIES PROVIDING NON-STATE EDUCATIONAL SERVICES. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 25, 123-134. Retrieved from <http://www.ajird.journalspark.org/index.php/ajird/article/view/969>

14. Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Inomjon To'raevich Jumaniyazov, Shavkat Bayramovich Babaev, & Mirza Qilichbayevich Sabirov. (2024). PROSPECTS OF ORGANIZING RENTAL OPERATIONS IN NON-GOVERNMENT EDUCATIONAL ORGANIZATIONS ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL REPORTING. *Galaxy International Interdisciplinary*

Research Journal, 12(2), 104-114.

15. Shavkat Bayramovich Babaev, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, & Inomjon To'raevich Jumaniyazov. (2024). SOME ISSUES OF THE DEVELOPMENT OF BANKING INNOVATIONS IN THE COMMERCIAL BANKS OF UZBEKISTAN. Academia Repository, 5(03), 31-37. Retrieved from <https://academiarepo.org/index.php/1/article/view/662>

16. Shavkat Bayramovich Babaev, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, Inomjon To'raevich Jumaniyazov, & Inomjon To'raevich Jumaniyazov. (2024). CONCEPTUAL REFLECTION OF THE CHANGING ROLE OF THE STATE EXPORT POLICY IN THE DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN. European Scholar Journal, 5(3), 5-8.

17. Jumaniyazov Inomjon To'raevich, Abdullaev Aybek Nazarbaevich, Sabirov Mirza Qilichbayevich, & Shavkat Bayramovich Babaev. (2024). Importance of social principles of sovereign wealth funds. Global Scientific Review, 26, 46-54.

18. Aminova, N. U. (2021). Development of foreign economic activities in the republic of uzbekistan through attracting foreign investment. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(8), 216-221.

19. Jumaniyazov Inomjon To'rayevich. (2024). ESG IN SOVEREIGN WEALTH FUND INVESTMENTS. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 41(2), 117-124.

20. ZM Shaikh, S Ramadass, B Prakash, JI Turayevich Data-Driven Decision Making in Stock Portfolio Management: LSTM and Monte Carlo Simulation in Action- Fluctuation and Noise Letters, 2023

21. Jumaniyazov, I. T. (2019). The impact of Uzbekistan Reconstruction and development fund's expenditure on GDP growth. Science, research, development № 16. Monografiya pokonferencyjna.

22. Oppog'ov, J. A., & Jumaniyazov, I. T. (2024). Moliya tizimida g'aznachilik faoliyatini rivojlanish istiqbollari. Science and Education, 5(5), 504-512.

23. Inomjon To'raevich Jumaniyazov, Aybek Nazarbaevich Abdullaev, Mirza Qilichbayevich Sabirov, & Shavkat Bayramovich Babaev. (2024). METHODOLOGICAL BASIS FOR FORECASTING THE TAX POTENTIAL OF THE RUSSIAN FEDERATION. Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development, 27, 100-107.

24. Abdullaev, A. N., Jumaniyazov, I. T. R., Sabirov, M. Q., & Babaev, S. B. (2024). DIRECTIONS FOR IMPROVING THE PROCESS OF PERSONAL INCOME TAX FORECASTING. American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 28, 233-243.

25. Jumaniyazov, I. T. (2019). The impact of Uzbekistan Reconstruction and development fund's expenditure on GDP growth. Science, research, development № 16. Monografiya pokonferencyjna.

26. Aminova, N. U. Q., Zukhurova, M. S. Q., & Tulagankhujaeva, I. S. Q. (2021). INVESTMENT PROCESS AND INVESTMENT POLICY. Science and Education,

2(2), 219-225.

27. Qizi, A. N. U. (2023). ISSUES OF FINANCING OF INVESTMENT PROJECTS ON THE BASIS OF SYNDICATE LOANING. Open Access Repository, 10, 8-14.

28. Aminova, N. XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH ORQALI O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TASHQI IQTISODIY FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH. Ўзбекистон республикаси суғурта бозори учун кадрлар тайёрлашнинг ҳозирга ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари, 132.

29. B. Gupta et al., "Channel Modelling for Holographic MIMO-Enabled IOT Devices in 6G Networks," in IEEE Transactions on Consumer Electronics, doi: 10.1109/TCE.2025.3594902

30. Nilufar Aminova. (2024). Loyihalarni Islom modeli asosida moliyalashtirishning o'ziga xos xususiyatlari. Yashil Iqtisodiyot Va Taraqqiyot, 2(4), 9-16

31. Jumaniyazov, I., & Xaydarov, A. (2023). The importance of social insurance in social protection. Science and Education, 4(1), 1033-1043. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/4941>

32. Inomjon, J. (2023). GENDER BYUDJETLASHTIRISHDA DAVLAT MOLİYAVIY NAZORATINING O'RNI. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(6), 1187-1191.

33. Бахронов, Ж., & Жуманиязов, И. (2023). Партисипатор бюджетлаштириш ва уни Ўзбекистонда қўллаш долзарблиги. Science and Education, 4(2), 1486-1493. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5234>

34. Davlatboyeva, M. S. qizi, & Jumaniyazov, I. T. (2023). Yashil byudjetlashtirish va uni O'zbekistonda joriy etish istiqbollari. Science and Education, 4(2), 1509-1516. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5237>

35. Jumaniyazov, I. T. (2019). Evaluation criteria for the efficiency of sovereign funds. Global science and innovations 2019: Central Asia. In International scientific conference.-Nur-Sultan (Kazakhstan) (Vol. 340, pp. 226-229).